

җа фақатгина ҳам аше со-
ти билан чекланувчи
мамлакатнинг равақ-
топи мушкул. Шунч
собиға олиб, ҳам ашедан
таёёр махсулотни эш
юртинизда ишлаб чиқари
кўнаигунга қадар бундай
бож турига зарурят бор
эди. Дарове ривожланг
мамлакатларда ҳам иқтис-
одий юксалиш шундай
йўналишда аста-секин
ўсиб бorgan.

— Ҳозир қандай мах-
сулотлар экспорт ки-
линапти?

— Бугунги кунда рес-
публикамизнинг экспорт
қудрати сезиларли дара-
дaтлари билан қамбарчас
боғлиқ. Масалан, ҳозирча
республикамизда етишти-
рилётган қишлоқ ҳўжали-
махсулотлари асосан шу
мамлакатларга чиқарили-
моқда. Шунинг учун бун-
дай алоқаларни янада ри-
вожлантириш Фармондаги
алоҳида банд орқали рағ-
батлантирилади. Олдинги
ҳўкуки меъёрларда бундай
имтиёзлар кўзда тутилмаг-
ан эди. Хуллас, ушбу қондлар
товарларимизни ҳажон бо-
зорларига олиб чиқувчи йўл-
ни анча қисқартиришга хиз-
мат қилади.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ
сўхбатдашди

Улуғ сиймолар уч ҳаёт ўлчовида яшайдилар: ўтмиш, ҳозирги замон ва келажақда.

Таваллудининг 100 йиллиги нишонланган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзининг бутун ёрқин ҳаёти билан ана шу уч замонда яшаш ҳуқуқини қўлга киритган. Аниқроғи, тақдир ўтмишда машаққатли ва азоб-уқубатли ҳаётни кечирган, аммо шунга қарамай, бутун кучини, истеъдодини, қалб кўрини халққа, унинг санъат ва адабиётига бағишлаган адибга бугунги кунда, самандар сингари қайта тирилиш, келажакда эса ўзбек халқининг улуғ сиймолари қаторидан ўрин олиш бахтини насиб этган, десак, янглишмаган бўламиз.

Ҳар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз

Айтар эди менга: «Эрклик истаймиз —

Тутқич эллар учун само кундузи,

Кўнгилда қолғуси унинг бир изи».

У ХХ аср ўзбек адабиётининг чўққиларидан бири сифатида ҳамма томони-

Чўлпоннинг 100 йиллигига

АБАДИЯТ

дан эътироф этилди. Чўлпон ижодида чўққир қара бошлаганимиз сари унинг нафақат ХХ аср адабиёти, балки умуман, кўп асрлик адабиётимиз тарихида ҳам ноёб ва нодир ҳодиса эканлиги маълум бўлиб бормоқда.

Чўлпон 1922 йил декабрида Бухорода бундай сатрларни ёзган эди:

Узоқ... оғир йўлга чиққан йўлчимен,
Бу йўлларда қилгузул юлдузидир,
Мен юртимнинг пок истакли кучимен,
У юлдузнинг тугалиши кундузидир.

Томирларим олов каби қайнаган
Қонларини кечмишлардан

олимишдир.
Билагим-да иргиб, чопиб ўйнаган,
Унутмаким, оёқларинг толмишдир.
Узоқ йўлнинг йўлчисимен, берамен,
Истагимни бу йўллардан оламен...

Шоир бу сатрларга «Юрт йўли» деб сарлавҳа қўйган. Шеърнинг иккинчи бандидан маълум бўлишича, Чўлпон уни ўз мурод-мақсадига қарши бўлган қандайдир қимсага қарата ёзган, унга ўзининг йўлчи юлдуз ёғдулари билан чулғаниб кетаётган йўлчи эканлигини, ўз юртининг мустамлакачилардан поклянишини истаган куч эканлигини айтган. Яъни у ўзининг аввал-бошдан хурият ва истиклол учун курашга киришган киши эканлигини 1922 йилдаёқ маълум қилган.

Чўлпон мансуб бўлган жадидлар ас-римиш бошларидеда фафлат уйқусидега ватандошларининг кўзларини очиш учун «усули савтия» мактабларини очдилар, газета ва журналларни нашр этдилар, театр санъатида пойдевор қўйдилар; миллий уйғониш адабиётини майдонга келтирдилар. Чўлпон 1914 йилдан бошлаб ана шу хайрли жараёнда фаол қатнашди. Шубҳасиз, 1922 йилда Бухоро Халқ Жумҳуриятини Совет давлати тасарруфига қароқчиларча қўшиб, тўғри-рўғи, тортиб олган «қизиллар» ўша пайтда «оқлар» қиёфасида миллий уйғониш ҳаракати йўлбошчиларининг ҳар бир қадамига болта уриб турдилар. Чўлпон бу ҳақда бир мақоласида бундай сўзларни ёзди: «Биз мактаб очдик — бекитдилар. Мадрасаларимизни ислоҳ қилишга йўл бермадилар. Тилимизга бало аралаштирмакчи бўлдилар. Музи-камизни тараққий қилдиришга йўл бермадилар. «Падарқуш» деган театр ўйнаганларни «охран»ларда судрадилар, ҳосили, миллий ва маданий ўсишимизга оғир зарбалар туширдилар...»

Ўзининг адабий фаолиятида сиёсий тузумни ислоҳ қилиш, халқ ва мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий аҳолисини яхшилаш масаласини кўтариб чиққан Чўлпоннинг ўзи ҳам бундай зарбалардан бенасиб қолмади. Шунга қарамай, у қарийб сўнгги кунларига қадр миллий тараққий учун, 20-йилларнинг ўрталарига қадр эса миллий истиклол учун ҳам астойдил курашди.

Мен кучли, мен-да исён.
Мен тўлқин, мен-да тугён;
Кўпирурмен, тошармен,
Чегарамдан ошармен.
Тўғоним элни босар,
Тўрмуш тоғларин ошар
Ва ўлмас, мангу яшар!..

деб ёзди у хатто бир шеърда.

Чўлпон ҳаёти ва ижодини замондошларимиз орасида яхши билган марҳум

Комил Яшиннинг маълумотига кўра, Анджихонда 1917 йил инқилоблари арафасида бир сиёсий ташкилот бўлиб, у ўз олдида чор ҳукуматини ағдариб ташлаш вазифасини қўйган ва Чўлпон шу ташкилотнинг аъзолари сафида бўлган. Ижодий ва ижтимоий фаолиятининг тонгидаёқ шундай ҳайратомуз катта мақсад билан «чангланган» шоирнинг Октябр тўнтаришидан кейин большевиклар тузуми билан муроса қилиши маҳол эди. У жаннатмакон ўлкани хонавайрон этиб, халқнинг эмин-эркин нафас олишига имкон бермаган большевиклар дастидан «дод» даяроқ бундай оловли мисраларни ёзди:

Оҳининг ўтидан чиққан шуълалар
Шарқнинг кўкрагига

бир жой топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?

Ҳар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз
Айтар эди менга: «Эрклик истаймиз —
Тутқич эллар учун само кундузи,
Кўнгилда қолғуси унинг бир изи».

У бир из кўзимнинг нуруларидан ҳам
Юксакдир, мен уни ўпмоқ истаймиз.
Агар топилмаса, бу юртлардан ҳам
Кўчиб, йироқларга кетмоқ истаймиз...

Шоир учун эрк юлдузидан гўзал ва юксак нарсас бўлмаган. У ватандошлари қалбидеда ана шу юлдуз нуруларининг ўйнашини истади. Агар ватандошлари бу юлдузга нисбатан лоқайид қўрсатсалар, хатто «йироқлар»га бош олиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин шоирлик мақоми шохлик мақомидан улуғ ҳисобланган Шарқда ўз юртини оғир пайтда тараққий этиш расм бўлмаган. Шунинг учун ҳам Чўлпон ижода «шўнгиди»: санъат ва адабиётнинг турли соҳаларида ижод этиб, ўз халқининг бағрига боғлиқ юлдуз шуълаларини олиб киришга интилди.

Чўлпон ижоди тоғига назар ташлаган кишининг бир нарсадан гоё ҳайратга тушиши табиий. У 1914 йили «Садои Туркистон» газетаси саҳифаларида бир варақай ҳам носир, ҳам шоир, ҳам публицист, ҳам адабий мунаққид сифатида иштирок этган. У ана шу бадийи ва адабий-танқидий асарларидаёқ нафақат гафлат оғушидаги омманни, балки унинг адабиётини ҳам мустамлакачилик ва феодал бошбошдоқлик даври гурбурларидан халос этишни ўз олдида вазифа қилиб қўйган. Кейинчалик у шу мураккаб вазифани бажариш асносида драматургияга ҳам қўл урди, театр санъати билан чамбарчас боғланди. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса Чўлпон жаҳон адабиёти намуналарини рус тили орқали ўзбек тилига ўғиратиш ишига катта ихлос билан киришиб, замонавий ўзбек таржима мактабига асос солди.

Чўлпон кимнинг асарини таржима қилган бўлмасин, Шекспирнинг «Ҳамлет»иними ё Пушкиннинг «Борис Годунов»иними, Гоголнинг «Терговчи»синими ё Гошчининг «Маликаи Турандот»иними, — Франконинг «Феруза»синими ё Андреевнинг «Етти осилганлар қиссаси»иними, улар ўзбек адабиётининг том маънодаги мулкига айланди. Бу тилга олинган адиблар ўзбек китобхоналари томонидан худди миллий муаллифлардек қабул қилинди. Унинг таржимасидаги «Ҳамлет» Ҳамза номидаги театр саҳнасида илк бор намойиш этилган йили йигирма етти кун мобайнида тинимсиз ўйналди. Хатто Чўлпон қатағонга учраган йилларда ҳам «Ҳамлет»нинг афишасида қайси таржимоннинг номи ёзилган бўлмасин, у фақат ва фақат Чўлпон таржимасида ижро этилди. Зеро, Чўлпондан ўтказиб таржима этишининг илоҳий йўқ эди. Чўлпон хатто таржима ботида ҳам шундай бетакрор санъаткор эди.

Биз, адабиётимиз тарихчилари, Чўлпон ижодини эндигина ўрганишга киришдик. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ адабиётшунослик фанининг чўлпоншунослик деган муҳим бир тармоғи пайдо бўлди. Чўлпоншунос олимларнинг ғайрат ва меҳнати билан улуғ адибнинг бутун бўйбаси кўрина бошлади. Ўйлаймизки, яқин йиллар ичида Чўлпон адабий меросининг 1937 йил гулханларидан омон қолган қисми қайта тикланиб, адибнинг ўзбек адабиёти ва маданияти тараққийига қўшган бебаҳо ҳиссаси тўлалиги билан кўз олдимизда намоён бўлади.

Мангуликка дахлдор ўзбек халқининг сиймолари орасидан Чўлпон ҳам ўз ўринини олди.

Наим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан
арбоби, профессор.

ҚИСКА МУДДАТЛИ ШИФОЛАР

Жорий йилнинг ёз ойларида шахримиздаги соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари асосий эътиборни юқумли ошқозон-ичак касалликлари тарқалмаслигининг олдини олишга қаратган бўлсалар, куз фасли келгач эса вирусли гепатит хасталигидеда аҳолини муҳофаза қилиш жиддий масала бўлиб турибди. Шунга кўра шаҳар «Саломатлик» марказида юқумли хасталиклар шифохоналари врачлари ва кимёвий лаборатория ходимлари билан эпидемиолог мутахассислар учрашуви ўтказилди.

— Куз — сариқ касаллигининг кўп учрайдиган даври, — деди учрашув олдидан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Аюбов. — Бу пайтда асосан хўл мевааларни ювмасдан истеъмол қилиш оқибатида вирус инсон танасига юқиши роль ўйнайди. Шунга кўра бош бошқармамиз қатор тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этди. Шахримизда жами бешта юқумли хасталиклар касалхонаси бор эди. Ҳозирда уларга қўшимча 11 та бошқа турдаги тиббий муассасаларни юқумли хасталиклар касалхонасига вақтинча айлантирдик. Улар сирасига «Ўқизлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятининг тиббий хизмат қисми, Тошкент трамвай-троллейбус депоси тиббий хизмат қисми, Кўкчадаги 18-касалхона, Собир Раҳимов туманидаги болалар сихатгоҳи ва бошқалар кирарди. Уларнинг 7 таси болалар учун мўлжалланган.

Шунинг натижасида сариқ хасталигига чалинган беморлар одатдагидек 21 кунда эмас, балки, қиска муддат — ўртача 10 кунда соғайиб кетишмоқда. Касалхоналарда дори-дармонлар етарли. Бунинг учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан беш миллион сўм ажратилган. Беморларни ташиш учун махсус «эпидемик ташиш» машиналари ишлаб турибди. Булардан ташқари шаҳар санитария-эпидемиология бошқармаси томонидан мактаб ва боғчаларда, бемор чиққан хонадонларда хасталик юқиши мумкин бўлган жойларни дезинфекция қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Учрашув чоғида сариқ касаллигини аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари, бу борада махсус вакциналардан фойдаланиш, хасталик пайдо бўлмаслигининг олдини олиш ҳақида сўз борди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Мапҳампар

ҚЎЙТИКОН

Болалик кунларимнинг бири-да маҳалламиздаги Мирза амаки кўча чангитиб юрган биз «шумтакалар»га «Қўйतिकон топиб келсаларинг, деб буханка нон бераман», бир қизиктириб қолди. Қўйतिकонни томорқамизда ва йўлларда кўп кўргандик. Қўйларимизни ўтлатишга олиб ўтганимизда бу ўсимлик уларнинг жунларига ёпишиб қоларди. Битталаб аранг тозалардик. Шунинг учун ҳам уни қўйतिकон дейишаркан. Қўйлар ҳам унинг фақат баргини ердию ўзини емасди. Атайлаб қўйतिकонни чайнаб кўрганимизда ниҳоятда тахирлиги маълум бўлди.

У қузда етилиб, баҳорғача тураверар, тўқилиб кетган меваси ҳам чиримасди. Сабаби у қаттиқ бўлиб, ичига унча-мунча нам ҳам ўтмасди. Тупроққа қоришиб қўйतिकон уруғлари униб чиқаверар, илдиридан ҳам кўкараверарди. Кўпни кўрган қариялар «Қўйतिकон бавосилни даволайди» дейишарди. Шу дардга чалиниб қолганлар қадим замонлардан буён қўйतिकон талқонини бир қафдан отиб юриб, дардан тузалиб кетишаркан.

Мирза амаки айтганларини бажариш учун, ҳар томонга югуриб қўйतिकон топиб келганимизда буханка қора нон билан бизни хурсанд этиб турардилар. Иккинчи жаҳон уруши йиллари қимматчилик йиллари эмасми, Мирза амаки нон берадилар, деб қўйतिकон қидиришдан чарчамасдик. У киши нафақат буханка нон, балки баъзан иссиқ таом билан ҳам меҳмон қилиб турардилар. Шунчака йўқчилик йиллари у кишининг феъли кенг, саҳийлигига ҳайрон қолардик.

Пойтахтимизнинг Бекобод маҳалласида Мирза амакидан бошқа бавосил касаллигига учраб қолганлар топилиб турарди. Дастлаб қўйतिकон нимага кераклигини билолмасдик. Бир кун бу сир очилди, Мирза амаки қўйतिकонни қозонда бодроққа ўхшатиб қовуриб, сўнг ҳавончада янчаётганини кўрдик. Сўнг ҳосил бўлган талқонни элақда элаб, бир идишга солди ва ундан бир қафт отиб, орқасидан чой хўллаб «Бай-бай, бе-мазалигини» деб қўйди. Эти устихонига ёпишиб, озиб-тўзиб юрган Мирза амаки қўйतिकон талқонидан тузалиб қолди. Маълум бўлишича, бавосилнинг бу ўсимлиқдан бошқа давоси йўқлигини у кишига бир табиб айтиб, қандай фойдаланиш лозимлигини тушунтирган экан. Мирза амаки бошқаларга ҳам бу сирни айтиб, ўзи тайёрлаган талқондан оз-оз улашарди. Наҳорда таомдан олдин бир қафт отиб турилса, бавосил касаллигидан асар ҳам қолмас экан.

Махмуд АХМЕДОВ.

1 декабрь — СПИДга қарши кураш халқаро кун

АСР ЎПАТИ

Ортирилган Иммунитет Танқислиги Синдроми, яъни ОИТС (СПИД) балоси ҳақида бугунги кунда деярли ҳамма билади. Қўйида ушбу аср ўлати фожиалари ҳақида фақат-факт ва рақамлар келтирилмоқда. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларидан олинди.

● Бугунги кунда дунёда 23 миллион киши ОИТС билан оғирмоқда. Уларнинг 40 фоиздан ортигини аёллар ташкил этади.

● Фақатгина 1996 йилда 15 ёшгача бўлган 400 минг бола ушбу аср ўлати вирусини юқтирган, умумий ҳисобда эса худди шу ёшгача бўлган болалар 1996 йил охирига қелиб 830 мингга ташкил этган.

● 1997 йилнинг охиригача дунёда 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ОИТСга чалиниш ҳолати бир миллионга етиши мумкин, дея тахмин қилинмоқда. Уларнинг 90 фоизи ривожланаётган давлатлар улушига тўғри келади.

● Ушбу аср ўлати тарқай бошлаганидан буён жаҳонда 2 миллиондан ортиқ гўдак шу дард билан туғилган, хасталик оналари уларга ҳомиладорлик пайтидаёқ ўтган. Юз минглаб болалар эса хасталик вирусини қон қуйиш ва жинсий алоқа пайтида юқтириб олганлар.

● Болалар қониға ўтган вирус кўп ҳолларда ОИТСга ўсиб бормоқда. Ушбу эпидемияга чалинган 15 ёшгача бўлган 3 миллион боланинг аксариятида вирус ОИТСга ўсиб борман, уларнинг кўп қисми оламдан ўтган.

● ОИТСдан ўлган бир ярим миллион кишидан 350 минг 15 ёшгача бўлган болалардир.

● Агар бу эпидемия ўсиш тўхтаत्मаса, 2010 йилга бориб 5 ёшгача бўлган гўдаклар ўртасида ОИТСдан ўлиш кўрсаткичи 75 фоизга, хасталик кўп тарқалган минтақаларда эса 100 фоизга етиши ва ундан ошиши ҳам мумкин.

● 1996 йилнинг ўрталарига қелиб 15 ёшгача бўлган болаларнинг 9 миллиони ОИТС туфайли ўз оналаридан жудо бўлдилар. Уларнинг 90 фоиздан кўпроғи Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари улушига тўғри келади.

● ОИТС туфайли етим қолган болаларнинг аксарияти эпидемия кенг тарқалган давлатларда яшашади. Масалан, Угандада 18 ёшгача бўлган гўдак ва ўсмирларнинг бир миллион икки юз минг ОИТС туфайли қамаида ё отасиз ёки онасиз қолган. Бундай тақдирли болалар йилига ўртача 50 мингга кўпайиб бормоқда.

● Зимбабведа ОИТС туфайли етим қолган болалар «оғир шароит» дағиларнинг катта ва тез ўсаётган қисмини ташкил этмоқда. 1996 йилнинг охирига қелиб бу мамлакатда 15

ёшгача бўлган болаларнинг 8 фоизи аср ўлати оқибатида ўз оналаридан жудо бўлишди.

● Эпидемия кенг тарқалган айрим мамлакатларда хатто ОИТС вирусини юқтирмаган ва у туфайли етим қолмаган болалар ҳам хасталик таъсирида қелиб чиққан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар остида қолишмоқда. Маълумотларга қараганда 2005 йилга қелиб Кениянинг ички айланма маҳсулоти, ОИТС «шарофати» билан 14,5 фоизга, жон бошига тўғри келадиган фойда эса 20 фоизга камаяди.

● Ривожланаётган бир қанча мамлакатларда 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг 50 фоизини ташкил этади. Шунга кўра ушбу эпидемия тарқалишини секинлаштириш учун профилактика ишларини болаларга қаратиш лозим.

● Ўсмирлар ОИТСни асосан жинсий алоқа ва гивёандлик йўли билан юқтирмоқдалар.

● Жаҳонда болаларнинг катта қисми қариндош-уруғлари, жамоанинг бошқа аъзолари ёки бегоналар томонидан жинсий зўрлаш ҳаффи остида қолишмоқда.

● Дунёда 100 миллион бола ва ўсмирлар зўрлаш ва ҳавф остида кўчада ишлашмоқда ва яшашмоқда.

Мажид РАХИМОВ
тайёрлади.

ЯСАМА ТИШ ЗАРАРЛИМИ?



дамлилиги ошади. Металл керамика, металл пластмасса тишлар табиий тишлар ҳолатига ўхшатиб, ранги ҳам ўша тишларга мос ҳолда тайёрланади ва қўйилади. Ташқаридан қараганда ясама тиш экани билинмаслиги керак. Титан тишининг кўриниши чиройли, тиллага нисбатан арзон ва бакуват. Оғиз бўшлиғини титан тиш билан қопласа, табиий тиш ўрнини босади. Юз-жағ тузилишини ўз меъёрига келтиради. Талаффузингиз, сўзлашишингиз ҳам олдингидек бўлади. Садафдан қилинган тишларни XXI аср тишлари дейиш мумкин. Юз-жағ шифокорлари билан ҳамкорликда ишлаш натижасида садаф тиш ҳар томонлама қулайлиги маълум бўлди.

— Ясама тишлар ҳам, табиий тишлар ҳам бора-бора емирила бошлайди. Бунинг олдини олиш мумкинми?

— Ҳозирги вақтда садаф тишга талаб катта. Кейинги пайтда садаф металл билан биргаликда қўйилмоқда. Чунки шундай қилинса унинг чи-

— Фақат садаф тишларгина нисбатан мустаҳкамроқдир. Тишларнинг тез емирилмаслиги учун уларни эҳтиёт қилиш лозим. Тиш шифокорлари эса тишни чархләётганда эмал қисмини кўп олмасликлари лозим.


— Гоҳида ёшларимиз қизиқибми, ёки хусн учунми, соғ тишларининг ўстига ясама тиш қоплатишади. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Ҳеч қачон ҳақиқий стоматологлар соғлом тиш ўстига қоплама қўймайдилар. Ёшлар уларга мурожаат қилган тақдирда бу иш номаъқул эканини тушунтиришлари лозим. Агар қоплама яхши қўйилмаса, тиш билан қоронқа орасига ёйилган овқатлар кириб уни чирита бошлайди. Нохуш хид чиқаради. 6—8 ойга қолмасдан тиш емирилади. Унда дарҳол қопламани олиб ташлаб, тишни даволаш ёки олиб ташлаш керак бўлади.

— Тиш қўйдиригандан сўнг нималарга эътибор бериш лозим?

— Тиш қўйдиригач ҳар олти ойда тиш шифокорларига учраб туриш шарт. Титан тиш беш-олти йилдан сўнг устидеги сариқлар кетиб тағидаги занглама пўлатдан тайёрланган тиш кўриниб қолади. Тишни ҳар кунни ювиб турган одамда тиш оғриғи нима қилсин? Бундан ташқари ёттишдан олдин кўп овқат емаслик керак. «Ошқозонни тўлғизма, тўйдир» деган мақолга амал қилиш лозим.

Сўхбатдош
Ҳонбиби МАҲАМОВА.



I-клиник шифохонасининг болалар ташхис бўлимида барча ишлар компьютерлар ёрдамида амалга оширилиши туфайли самарали натижа аларга эришилмоқда.

СУРАТДА: компьютерда даволаш жараёни.

Рашид Галиев
олган сурат.

Назм гулшани

КУЗАК ЯПРОҚЛАРИ

Жонимдек севаман фасли ҳазонини.
Кулоққа хуш ёққан тонгни азон у.

Пойингда қисирлаб жонин беродур.
Юракка мангулик шонин беродур.

Ҳазонлар баҳорга тўшалган гуллар.
Баҳорга баҳорлиг истаган диллар.

Қисирлаб-қисирлаб шивирлаёттир.
Кўйишнинг тағтига исинаёттир.

Ҳазонлар аслида кузги гуллардир.
Рухларга айланган мангу диллардир.

Меҳрим сагир бўлган гулшанга тушди.
Мангу муҳаббатим ушанга тушди.

Меҳринг зарпечакдек дилим ўради.
Юрагимдан битта тилим сўради.

Қўзим гавҳарлари тупроққа тушди.
Шифо чекканлар унимоққа тушди.

Ўзимни изладим, япроққа дўндим.
Кемани қутқарган яроққа дўндим.

Пойимда бемажол жон берди кузақ.
Баҳор деб киш учун ёр бўлди кузақ.

Ялпизлар ялиниб чопаеттирлар.

Анҳорга рашкни сочаёттирлар.

Ким дедим, ялиндим сўзимга чўқдим.

Кутқармадинг, охир ўзимга чўқдим.

ЎЗИМНИ ИЗЛАБ

Иймонни байроқдек, бонгдек кўтарсам.
Мен тонгни бошимга тонгдек кўтарсам.
Кўнглинг тўлармиди ўксиган гулим.

Тупроқни соғиниб ўзини отсам.
Лола балдоғига юзимни боосам.
Кўнглинг тўлармиди ўксиган гулим.

Минг йиллар, минг йиллар ўзимни излаб.
Ўзимни сенласам, изингни сизлаб.
Кўнглим тўлармиди ўксиган гулим.

Ялпизлар девсаман тузоғи

Мустаҳкам оилада руҳан тетик, соғлом фарзандлар камол топади. Оила — жамият пойдевидир. Бу кичик жамиятнинг камол топиши, гуллаб-яшнаши учун унга эътибор, меҳр-ардоқ ҳаводек зарур. Афсуски, баъзан ана шу муқаддас даргоҳда парокандалик, қарама-қаршилиқ шомоллари эсиб, оилавий келишмовчилик ва ажралишлар содир бўлиб туради. Мазкур жараён гарчи арзимас баҳона билан юзага қалқиб чиқсада, унинг замирида оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий-руҳий муносабатлар ётади.

Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент Давлат университетининг психология кафедраси доценти Наимахон Мўминовадан ана шу омиллари шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Кўпчилик эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар замирида оилада ҳокимликка интилиш истаги кўза ташлангандай туюлади, шундай эмасми?

— Минг йиллар давомида ўзбек оилаларида эр оила бошлиғи бўлиб, уни моддий жиҳатдан таъминлаб келган. Оила ҳамда унинг аъзоларини маҳалла ва жамият билан боғлаб турувчи, унинг манфаатла-

Оила

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

рини химоя қилувчи шахс ҳамиша эркаклар бўлган. Аёл эса моддий жиҳатдан эркак қарамоғида турган. Шулардан келиб чиққан ҳолда эр-хотин ўртасидаги оилавий муносабатлар таркиб топган.

Ўтмишда аёллардаги мутелик руҳияти рўзгорбоши эркакка моддий қарамлик натижаида пайдо бўлган демокрецизм?

— Албатта, оилада ҳам иқтисодий асос етакчи шартлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари эркак аёл ўртасидаги муносабатлар шариат қонунлари, этник урф-одоб ва аъённалар билан ҳам белгиланган. Бизнинг боболаримиз, момоларимиз қизларни ёшлиқдан оилавий ҳаётга тайёрлаб, уларни сабр-тоқатли бўлиш, эрни иззат, қайнона-қайнотани ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаганлар.

— **Ҳозирги йигит-қизлар бирга ўқиб, «юриб», бир-бирларини яхши билиб, ахду паймон қилишади. Уларда мустаҳкам оила қуриш учун ҳамма шароитлар бор. Лекин ёш оилалардаги ажралишлар сабабини нима билан изоҳлаш мумкин?**

— Ҳозирда аёлларнинг кўпчилиги 7-8 соат ишлайди. Яна айримлари кун буйи бозорда савдо билан машғул бўлиб, хориған бўлишига қарамай, уйга қайтишда бозор-учар қилиб, зилдай халталарни кўтариб келишади. Кўчадан толиқиб қайтган аёл уйда бир зум ҳорқиб олиш ўрнига, овқат қилиш, кир ювиш, болалар тарбияси ва улар билан боғлиқ юмушларни бажариши керак. Ақсарият ҳолларда аёл кишининг оилавий юмушларнинг нотўғри тақсимотидадан норозилиги эр-хотин ўртасида турли хил гап-сўзлар чиқишига, бу эса охири-оқибат оиланинг барбод бўлишига олиб келади.

— **Аёлларнинг ижтимоий ҳаётда эркаклар билан бир хил иштирок этиши оиладаги кескинлик сабабларидан бири, дейиш мумкинми?**

— Ҳар бир ҳодисанинг икки жиҳати мавжуд. Масалан, аёлларнинг илм олиши, маданий-маърифий онгининг ўсиши, ижтимоий фаолиятга жалб этилишининг ижобий томонлари нимаданигини таъкидлаш ўринсиз эминман. Ҳозирги кунда шундай соҳалар борки, уларни аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ҳодисанимизни йўқини энди аёлларни бутунлай оила даврасида ушлаб туролмаймиз. Лекин меъёри бузилса номуносивоблик вужудга келади. Аёллар ўзларининг оналик, бекалик вазифаларини унуттиларки ҳисобига ижтимоий фаолиятни бирламчи масалага айлантирсалар, унда оилавий муносабатлар дарз кетади. Бу эса ўз навбатида болалар тарбиясига салбий таъсир қўрсатиб, мазкур вазифа боғча, мактаб, бува ёки бувилар зиммасига юкланапти. Ваҳоланки, онанинг мураббийлиги, бекалик бурчини ҳеч бир инсон уйдалай олмайди.

— **Аёллар ўз оилавий бурчларини тўла бажара туриб ижтимоий фаолият билан ҳам машғул бўлишлари учун нималар қилиш керак, деб уйлaysиз?**

— Менимча, аёлларнинг иш ҳақини саклаб қолган ҳолда уларнинг иш соатларини қисқартириш керак. — **Аваллар аёлнинг эридан ажралиши ота-она, қариндош-уруғлар учун иснод ҳисобланган. Сочиллар онаси эридан ажралиб қолган қизнинг уйига минг истиҳола билан борганлар.**

— Ҳақиқатдан ҳам шундай ҳолат юз берса, аёлнинг ота-онаси, ака-укалари уни ўз уйларига олиб кетишган. Ҳозир эса, аёлларнинг «иктисодий мустақиллиги» бундай анъаналаримизни йўққа чиқараётди. Оиласи бузилган, ўзи ёки битта боласи билан алоҳида яшаётган бева аёлларимиз йўқ эмас. Бу ҳам аёл, ҳам воёга етаётган бола руҳиятида маълум салбий ўзгаришлар юз беришига олиб келмоқда. Ажралишлар оқибатида бола тарбиясида ота ёки она роли ўз кучини йўқота боради.

Фарзандларни тирик етим қилмаслик учун оила қуришдан аввал уни мустаҳкам бўлиши ҳақида уйлаш керак. Кўплар келиша аёлнинг оилаларини фарзанд дунёга келгач бир-бирларига боғлини қолтириш, деяр ўзларини юпатадилар. Кўнгил бир-бирига боғланмас, эр-хотин ва фарзандлар ўртасида ўзаро илиқ муносабат бўлмас экан, бундай оила ҳеч қачон мустаҳкам бўлмайди.

Тотув оила қуриш учун эса оилавий дарахтни ҳар икки томон ҳам бирдек парвартиш қилиши керак. Ана шундангина жамиятимиз таъини — оила мустаҳкам бўлади...

Маъмура РЎИЕВА
суҳбатлашди.

Ўз замонасида Истамбулда буюк шўхрат қозонган Вафо Ҳазратлари давлат одамларидан тортиб, энг оддий кишиларгача меҳрибонлик қўрсатган эди.

Бир куни сақо (сув сотувчи) келиб Вафо Ҳазратларининг ҳузурига тиз чўкиб ўтирди. Сув сотувчининг маҳзун ва ғамгин кўринишидан бир дарди борлиги билиниб турарди. Вафо Ҳазратлари сақодан сўрадилар:

— Болам, бирор ғам, дардинг борми?

— Йўқ афандим, қандай айтаман, — деб жавоб берди сув сотувчи йигит.

— Гапиравер, уялма, дардингни айт, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Ҳазрат, сизнинг фарзандингиз менинг сув тўла мешларимни тешиб қўйибди. Бугун олтинчи мешимни биз билан тешиб қочибди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим, — деди сақо.

— Хафа бўлманг, болам! Мен бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пулга меш сотиб олинг. Мен ушбу хунук ишнинг сабабини билай, — деди Вафо Ҳазрат. Сувчи баттар сиқилиб бўйинни эгиб чўкиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйга етмайди, нега фарзанди бундай иш қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди, ва:

— Хоним, кел, бир мулоҳаза бор. Бизнинг ўғлимиз сув ташувчининг мешларини биз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? — деди.

— Сиз олиб келасиз, биз еймиз. Ҳаром нарсаси олиб келинса, сиз олиб келасиз, барча гуноҳ, айб сиздадир, — деб жавоб берди хоним.

Вафо Ҳазратлари хоти-

ИБРАТНОМА ВАФО ҲАЗРАТЛАРИ ВА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ



нинг феълини билгани учун: «Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир бор-да яхшилаб ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда», — деди.

Хоним Вафо Ҳазратлари ҳузуридан чиқиб кетди, бироздан сўнг қайтиб келди, ва:

— Ҳазрат! Мени эсимга

бир ожизлик ила тугиладим» деб эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим, айб ҳисобладим.

Боламнинг бирор азёсига пўтур етмасин, деб кўрқиб уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида, ёқамдаги тўғноғични олиб хонтахта устидаги пўрта-хотга игнасини тикиб яладим, — деди.

— Офарин хоним! Мана ҳозир сенинг хатоинг маълум бўлди. Тез бориб ул хонимдан уэр сўра, — деди Вафо Ҳазратлари.

— Вой, афандим, айб бўлмайди, — эътироз билдирди хоним. — Унга нима дейман? Шу арзимас ишдан нима бўларди?

Йўқ, хоним! Ул хонимдан бориб ҳалоллик тила! Оллоҳнинг олдида биронинг ҳақини катта-кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлади? Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшда. Уша воқеадан сўнг 6-7 йил ўтгач, сенинг тўғноғичинг ўғлинг қўлида бизиз бўлди. У пўртахол эса сув сотувчининг меши бўлди. Сен қилган хунук иш давом этмоқда, — деб ўқирди Вафо Ҳазратлари.

Қиссадан хисса шуки: ҳар бир ота-она нега ўғлимиз бундай ўсди, нима учун қизимиз бадфеъл бўлиб қолди, деб сабабини суриштиришлари, ўз вақтида тергаб туришлари лозим. Улар фақат фарзандларининг дунёга келишлари учун бир восита бўлиб қолмасликлари керак. Нега Вафо Ҳазратлари ўғлининг қилишлари сабабини суриштирди, истади? Ва сабабини билди. Сиз ҳам нега ўғлингиз, қизингиз бундай? Сабабини истанг!..

Моҳира КАРИМОВА
тайёрлади.

Пазандлик

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Уй шароитида торт тайёрлашда маълум қоидаларга амал қилиш лозим. Агар торт хамирига эритилган ёғ қўшилганда бўлса, уни суёт оловга қўйиб ҳосил бўлган қўлти қўтаришдан, оловдан олиб, тиндириш лозим. Сўнгра қўлтигичи олиб, дурдаси аралашиб кетмаслиги учун бошқа идишга қўйиб олиниши керак. Агар ёғ эритилмасдан қўшилганда бўлса, у оқаргунча қадар аралаштирилади. Ишлатилган тухум янги бўлиши шарт. Тухум сариғи билан шакар алоҳида аралаштирилган, ёғ, сўнгра уни қўшилиди. Қўлтирилган тухум оқи аралаштирилган бўлса, у охирида эҳтиётлик билан қўйилади. Тухум оқи мўздек бўлиб, ишлатиш олдиндангина кўпиртириб аталаниши лозим. Акс ҳолда у суюлиб қолади. Майдаланган шоколад қўшилганда бўлса, у тухум оқидан олдин қўйилади.

Тортнинг тайёр бўлганлигини ингичка чўп суяиб билиш мумкин. Чўп қуруқ чикса, денак у тайёр ҳисобланади. Торт ичига мураббо ва крем солиш мумкин. Сиртини мева хелеси, ёнғоқ, шакарланган мева, шоколад бўлаклари билан безатиш мумкин.

ШОКОЛАДЛИ ТОРТ

4 та тухум сариғи 1/2 стакан майда шакар билан аралаштирилади, сўнгра 200 гр сариёғ ва 2-2,5 стакан бугдой уни қўшиб хамир қорилиди. Қорилган хамир юмшоқ бўлиши лозим. Тайёр хамирни 3 бўлакка бўлиб, қалинлиги 1-2 см қилиб жуваланади. Жуваланган 3 та қулча газ духовкасида пиширилади. Сўнгра 4 та тухум оқи ярим стакан шакар билан қўққ қўққ ҳосил бўлгунча қадар аталаниб, бир стакан майдаланган ёнғоқ мағиз ва битта лимон цедраси қўйилади. Масаллик яхши аралашган, икки қисмга бўлиб, 2 та қулча устига суртилади. Қулчаларни уст-уст қўйиб, устига шоколад крем суртилади.

АПЕЛЬСИН ТОРТ

1 дона апельсин (арчилмаган) қайнатилиди. Юмшаб пишган, уруғи олиб ташланади, сопол идишга солиб пўстлоғи билан эзилади, унга обдон кўпиртирилган 4 та тухум сариғи билан 8 ош қошиқ шакар, ярим стакан сўхари талқони ва кўпиртирилган 4 дона тухум оқи қўйилади. Барча масаллик яхшилаб аралаштирилган, қолпига солиб пиширилади. Торт тайёр бўлган, иссиқлигида устига апельсин креми суртилади, усти шоколад ва ёнғоқ бўлаклари билан безатилади. Бундай торти исъёмол қилишдан бир кун аввал тайёрлаш тавсия этилади.

Гули ХУСАНОВА

Пардоз-андозини жойига қўйган, бола етаклаган аёл троллейбус бекатига келди ва менинг ёнимда турган таниши билан қўришгач, ўзидан бироз узоқлашган ўғилчасини чақирган бўлди:

— **Ҳой, бу ёққа кел, ҳайвон! Ҳозир машина босиб кетади. Мен сенга нима депманг эшак, қайт изингга!**

Гарчи аёл менга нотаниш бўлса ҳам секин:

— **Кечирасиз, фарзандингиз «эшак»ми? — дедим.**

Аёл менга бир хўмрайиб қаради, нималардир деб гудранди. Сездимки, гапим унга ёқмади. Шунда мен танбех одобини ҳам ҳаётнинг ўзидан ўрганиш керак экан, деган хулоса чиқардим.

Очилини айтсам раҳматли дамнинг исини, нафасини унутман бўлсам-да, унинг тарбиясидадан кўра онамининг тарбиясини кўпроқ олганман. Танбех маъносидан унда фақат «ақлинг қирармаккан», «баланд-пастнинг фарқига ет».

Одобнома

ТАНБЕХ МАДАНИЯТИ

«нодон» каби сўзларни эшитардим, холос.

Қайси бир йили хизмат юзасидан сеvimли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор уй-музейига борганимда ёзувчининг рафиқаси раҳматли оlima Кибриё Қаҳҳорова шундай воқеани ҳикоя қилган эдилар. «Бир куни чой дамлаб олдиларимиз. Чойни қўйишлари билан қопқок пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: «Менга айтсангиз ҳам шуни боғлаб кўра эдим-ку!» деб танбех бериши мумкин эди. Абдулла Қаҳҳор эса жилмайиб «Ҳа, етказганига шукр, қопқоғини ҳам чайиб ичадиган бўлди» деганлар.

Минг афсуски, ҳамма жойда ҳам, ҳамма оилада ҳам танбех борасида аҳвол бирдай эмас. Бугунги кунда кўпгина удулларимиз билан бир қаторда танбех бериш одобини ҳам унутиб қўйдик ше-

кили. Турмушни мулоқотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар кун, ҳар соатда қимматли танбех эшитишимиз ёки қимматли танбех беришимиз мумкин. Фақат уни қимматли танбех қандай ифода этишни биламизми? Қайовус бобоимизнинг бу борада «Одамийлик қиссаси» асари назарда тутилган мерос қилиб қолдирган қуйидаги ўғитларига амал қилишимиз лозим: «...Сендан талаб қилинмаса, кишига насихат қилмагил, панд бермагил, хусусан сени тингламагон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмагилар. Кўп кишилар орасида бир кишига панд-насихат қилмагил...»

Ҳаёт давом этмоқдаки, улғайиб қамолотга етпаймиз. Биз аслида қиммат танбех эшитишимиз лозим? Ота-онаданми? Сирдош бобоимизданми? Ака-ука ва опа-сингилданми? Дўстандани ёки раҳбарданми? Уларнинг тарбияси ва танбехи маъқулим? Энг муҳими танбех маданияти ва одоб қандай бўлиши мумкин? Тинлаган танбехимиз юрагимизга яра бўлмаяптими? Танбехини таъсир қўрсатмаптими? Энг муҳими танбех меъасидан қандай тарбия топаёلمиз? У одамийлигимизга қандай таъсир қўрсатаяпти?

Сиз бунга нима дейсиз?

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

Мардлик ва шижоат ҳар бир инсоннинг тахсинга сазовор, буюқ фазилатидир. Мард ва доворак фарзандлар она Ватанга, халққа шон-шараф келтирадилар. Авлодлар қалбида мангу яшайдилар. Мардлик ва жасорат юксак қадрланган ва қўрқоқлик қаттиқ жазоланадиган давлат энг қудратли, мустаҳкам давлатдир.

Биз мардлиги, беқибс қаҳрамонликлари, матонати билан дунёга танилган халқимиз. Биз тенгсиз жангу жадалларда ғанимлар йўлга ғов солиб мардона жанг қилиб, душманларни даф қилиб келганмиз. Оламга танилган Тумарис, Широк, Темури Малик, Амир Темури, Бобури, Тўнчи Эриғитов, Собир Раҳимовлар қўрсатган жасорат ва қаҳрамонликлар тилларда дoston бўлган.

Мардлик ва матонат одамлар учун нафақат душманга, балки ҳар қандай турмуш зарбаларига қарши туришда ҳам жуда зарурдир.

Фуқаролик жасоратининг ҳам, ҳарбий жасоратининг ҳам тўғилиш манбаи битта — Она Ватанга, халққа кечис сadoқатдир.

Тақдир зарбаларини ҳам фақат мардлик, матонат билангина енгиш мумкин.

Мардлик фақат Ватан ҳимояси учунгина эмас, балки ҳаракат, бунёдкорлик, самарали иш, тафаккур учун ҳам зарур.

«Давлатингдан айрилсанг — кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп

нарсани йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотганинг» деган экан алломалардан бири.

Пири устозимиз мулла Хўсайн Воиз Қошифий машҳур «Ахлоки Мухсинини» китобларининг битта бобини мардлик, шижоатга бағишлаган. У зоти олий ёзадилар: «Шижоат — фазилат аноларидандур, яъни улугъи сифатлардан эрур ва шижоат тавсифида келибдурким «иналлоҳ муқиббин шу-

жаъ», яъни ҳақ субҳаноҳу таоло дўст тутар шижоатли кишиларни демак бўлур». Шижоат ботирлик, жасорат довораклик маъноларини англатади. Шижоатли кишини ҳамма ўзига дўст санайди. Мард ва шижоатли бўлиш осон эмас.

Керак бизга шижоат бирла шухрат, Ки анингдин киши тоғай шарофат Эл ўлдурким ўзини машҳур этгай, Ки шухрат топилиб жон кетса кетгай. Мутафаккир олим шижоатга камтарлик, донолик, чидамиллик каби хусусиятларни ҳам киритади. Шижоат ҳам инсонпарварлик асосида бўлиши кераклигини таъкидлайди. Уни қаҳрамонлик, жасурлик тушунчаларини ижтимоий ҳодисалар билан боғлаган ҳолда жамоат ва давлат нуктаи назаридан туриб ҳал этади. Адолат қонунлари-

га асосланган, жамият манфаатини назарда тутган хатти-ҳаракатларини фазилат деб ҳисоблайди.

Қошифий жасурликни, ботирликни қўрқоқлик, заифлик, дангасаликка қарши қўяди. У жангда аскарларни олдинга эмас, балки бир-бирининг орқасига яширинганлигини таъкидлайди, уларни қўрқоқлар деб атади. Қўрқоқ одам биринчи навбатда ўзини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилади: «Эй, амир,

нарсаси билан тарбия қилдим. Биринчидан, соғлом вужудли қилиб тарбияладим... бақувват бўлдингизлар. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим — яроғ ишлатишга уста бўлдингизлар. Учинчидан, қўрқитмай ўстирдим — қўрқоқ бўлмай, ботир бўлдингизлар».

Мардлик ва шижоатнинг тескарис қўрқоқлик ва номардликдир. Қўрқоқлар ва номардлар, хонлар ҳаммиша халқ қаҳри ва нафратига учраб келганлар. «Қўрқоқлик ва номардлик иймонсизлар қисмати» деб айтган эканлар валинхўмат Шайх Нажмиддин Қубро, Расул Ҳамзатовда ўқигандим, шекилли, «Қўрқудан икки тиззаси дағ-дағ титраган эркакдан жирканчироқ нарсаси йўқ дунёда».

Мардлик ва шижоат ҳақида халқимиз ўр-

тасида кенг тарқалган, тилимиздан түшмай келаётган тафаккур жаҳоирлари халқ мақолалидан баъзиларини еслатиб ўтаимиз.

● **Балиқнинг кўни қўл билан**

● **Ботирнинг кўни эл билан**

● **Жасур бўлсанг ёв қайтар.**

● **Мардининг нони бутун.**

● **Эр йигит кўп бўлса,**

Эркинлигинг кўп бўлар.

● **Ноллиш билан иш битмас,**

Мард номардга тиз чўкмас.

Дилимиз туркида сақланиб келаётган муқаддас китоблар: Қуръони мажид, ҳадиси шарифларда ҳам мардлик, шижоатга катта ўрин берилган. Пайғамбаримиз Расули Акрам Мухаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан бирига қараб айтган эканлар: «Ватан сарҳадларини душмандан бир кун ҳимоя қилиб турмоқлик етмиш йил нафл намозини ўқигандан афзалдир».

Соҳибқирон Амир Темуридан бизга мерос қимматли фикр-мулоҳазаларни ўқиб мағзини чақинг: «Ишбилармонлик, мардлик ва шижоат соҳиб, аъми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир». «Хотирдан чиқмасинки, тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди». «Ботирлик — қалъа олади». «Мард жангда билинар, доно — машваратда».

Орқамизда қолдиган фарзандларимиз қалбига мардлик ва шижоат уруғини қаддайлик. Токи у кўнгил боғида воёга етиб, ҳосил берганда авлодларимиз азиз бошларини бандан кутариб, инсониятнинг олдинги сафиди бўлсинлар.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

Ажойиботлар

ХАВФЛИ ТЕЛЕФОНЛАР

Жамоат жойларига ўрнатилган телефонлар киши соғлиғи учун хавфлидир. Жанубий Кореяда тузилган телефон қурилмаларини текшириш назоратчилари шундай хулосага келдилар. Улар катта дўконлардаги, меҳмонхоналардаги, кинотеатрлардаги ва ҳатто Сеул шаҳри касалхоналаридаги телефонларни текширишдан ўтказдилар. Маълум бўлишича, трубка ичида микроорганизмлар бор бўлиб, улар зотилжам ва ошқозон касалликлари келтириб чиқарар экан.

Текшириб кўрилган ҳар бир 50 телефондан фақат 8 тасигина зарарсиз бўлиб чиққан. Ваҳоланки, Жанубий Кореяда 1988 йилдан бошлаб ҳар 10 кунда телефон қурилмалари дезинфекция қилинади.

ЧИГИРТКА ЭНГ ХУШХҲУР ТАОМ

Таиландликлар учун энг хушхўр таом қовурилган чигирткалардир. Лекин шундай бўлишига қарамай, улар март ойидан октябрь ойигача ўз ишталоқларини тийиб юришларига тўғри келади. Чунки бу ойлarda чигирткалар дала ва боғларда учиб, завар келтирганили сабабли уларга қарши захарли химикатлар ишлатилади. Шунинг учун уларни қовуриб ейиш бу ойлarda ман қилинади.

ГУШТ ЎРНИГА ЧУМОЛИ ШАРБАТИ

Хитойда инсон саломатлиги учун энг фойдали ичимлик чумоли шарбати ҳисобланади. Мамлакатнинг кўпгина жойларида чумолидан тайёрланган таомлар жуда таниқ ҳисобланади. Чунки улар худди дуққалик ўсимликлардек оқсил моддасига сароб. Бундан ташқари унда рух элементини ҳам бўлиб, ундан дори сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Чумоли шарбатининг калорияси сигир гуштини-кидан 4 барабар ортиқ экан

«Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақш кабудир». Сергели туманидаги 6-мактаб-лицейда йўлга қўйилган таълим тизимининг афзалликларини юқоридаги кўҳна ҳикмат билан ифодалаш мумкин.

Бу ўқув маскани математика, давлат ва ҳуқуқ асослари, шунингдек, инглиз тилини чуқур ўргатишга йўналтирилган бўлиб унда 1200 нафардан зиёд ўқувчилар таҳсил олишмоқда.

— Асосий мақсадимиз — таълим тизимини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишди, — дейди лицей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Баҳром Эшмаматов. — Шу мақсадда математика ва ҳуқуқ дарсларини ҳам инглиз тилида ўтишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бундай дарсларга ўқувчиларимизнинг ўзларида ҳам иш-тиёб балолилиги бизни қувонтирмоқда. Янги йўналишдаги ўқув тизими шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб йўлга қўйилди. Яқин вақтлар ичида эса ўқувчиларимиз жаҳоннинг турли ривожланган мамлакатларидаги мактаб, коллеж ва университетларда бемалол ўқиб кетишлариغا ишонаман. Албатта, айтилик, инглиз тилидаги математика дарси бирданига, тайёргарликсиз бошланмайд. Аввало тил асослари ва сўзлашув нутқини яхши ўзлаштириш зарур. Хабарингиз бўлса, ҳозир ҳамма жойда инглиз тили муаллимларига талаб ниҳоятда ошиб борапти. Шунинг учун бизнинг лицейимиздаги чуқурлаштирилган тил ўрганиш курсларида қўллаб ота-

оналар ўз фарзандларини ўқитишга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳа, «тил билганга минг танга» дейилган замон энди келди. Илгари аксарият мактабларда чет тиллари номигагина ўқитилар, ўқувчиларда ҳам шунга яраша су-этибор қўринарди. Чунки, тил билган билан чет элларга чиқиш имконияти ни-

К. ФАЁЗОВ, физика-математика фанлари доктори, профессор:

— Мустақил юртимизнинг ёш вакиллари яқин келгусида Нью-Йорк ва Лондон каби шаҳарларда жойлашган нуфузли жаҳон банклари, иқтисодий-савдо ташкилотларида ўрин эгаллаб, бемалол иш юрита олишлари лозим. Жаҳон бо-

Таълим

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

хоятда чегараланган эди. Энди давр бутунлай ўзгарди. Келажаги буюк юртнинг бўлгуси эгалари жаҳон ахли билан тенгма-тенг сўзлаша олиши, халқаро ҳуқуқий меъёрлардан яхши хабардор бўлишлари лозим. Лицейда БМТ, ЮНЕСКО каби йirik халқаро ташкилотларнинг фаолияти, улар томонидан чиқарилаётган қарор ва қоидалар асл матни бўлишга ўрганилади. Эътиборли томони шундаки, ушбу мактаб-лицейда энг билимдон, забардаст устоз ва ўқитувчилар жамоаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги юздан зиёд олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар билан бирга пойтахт олий ўқув юртинларининг 30 нафардан кўпроқ профессор ва фан номзодлари ёшларга билим бермоқдалар.

зорларида Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-молиявий манфаатларини муносиб ҳимоя қилувчи бўлгуси иқтисодчилар математика — инглиз тили бўлимида дастлабки илм асосларини эгаллайдилар.

Янги лицейни зарур дарсликлар, ўқув жиҳозлари, компьютерлар билан тўлиқ таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Яқинда Англиядан ҳуқуқ илмига оид бир неча ўн жилдлик китоблар келтирилди. Бу ерда халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан бирга ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилик тизими ҳам ўргатилади. Биз лицей ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчилари билан ҳам мулоқотда бўлдик.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Рамз Бобожон ўзбек шеърятининг кекса бўғинига мансуб шоирлардан саналади. Унинг «Сенга севгимиз», «Севги сирлари», «Янги рубоийлар» сингари 30 дан зиёд назмий китоблари чоп этилган, мухлисларнинг муҳаббатига сазовор бўлган.

Таниқли шоиримиз кейинги йилларда ҳам жўшқин ижодий фаолият кўрсатмоқда. Яқинда «Чўлпон» нашриёти унинг «Сенинг меҳрингдан» номли янги китобини чоп этди.

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг янги шеърларидан ўқийсиз.

Назм

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

МЭН СЕНГА ВОРИСМАН
(Устоз Фафур Фулом хотирасига)

Қўлимда бир сиқим Тошкент тупроғи,
Узоқ ўтмишларга элтади ҳаёль...
Бу қайси шахиднинг муқаддас хоки,
Қайси гўзалнинг лабидаги хол?

Йиллар ўтар... ўтар салмоқли йиллар...
Аммо, унут ўлмас халқнинг ҳикмати.
Ўтади шερзотлар, қора кокилар!
Юртнинг юрагиде яшар захмат...

Қуёш атрофида ер айланиши,
Йилларни тугдирар, асрларга тенг...
Ўз бахтин яратиш инсон ташвиши,
Инсон ҳаёлининг фазолари кенг...

Тошкент! Аждодларга бўлолдинг бешик,
Аждодларнинг нурли қабри ҳам сенда...
Келажақ кунларга қарадик тетик,
Баъзан қолиб кетдик тўфонда, селда...

Мовароуннахрнинг дайди шамоли,
Баъзан ўғирлади гуллар атрини.
Баъзан олиб келди халқни иқболи —
Улуғ Навоийнинг олтин сатрини...

Кўз очиб кўрганим шу табарруқ ер,
Ота-боболардан мангу бир мерос.
Жафокаш тарихнинг манглайида тер,
Сохибқирон руҳи собит, сарфароз...

Курант жаранглайди, Тошкент куранти,
Биолар барваста, ҳиёбон шинам.
Ўз элин эгаси ўзбегим танти!
Шаҳри ҳам ўзидай азамат, кўркам.

Нуроний Тошкентим ёшардинг ёшдай,
Қарасам, қувончдан кўзим қамашар...
Илҳомим сарбаланд тонги қуёшдай,
Мен сенга ворисман десам, ярашар!

ШАРИҲИ КЎЧАЛАР

Тошкент кўчалари, таниш кўчалар,
Қишми-ёз, бари бир қузми ё баҳор,
Сиз менга ҳаммаша қадрдон, дилбар,
Муҳаббат макони ойдин кечалар...

Чинор соялари куннинг тигида,
Оймуша шуъласи тун мийиғида,
Хафриқан дилларга бағишлар бардош,
Тошкент кўчалари, нурли кечалар...
Ариқ бўйлариде олхўри, гилос,
Оқ, қизил атиргул қулф урар қийғос,
Ёшлигим, шўхлигим ўтган кўчалар...

Кўзим илинмайди уйку тўрига,
Гўё варақлардан севги сирлари...
Тонготар ўқилар кўнгил шеърлари,
Ҳаво пуркангандай илҳом кўрига...

Тинимсиз кечалар, уйғоқ кечалар,
Эртанги қувончининг тамал тошини —
Юлдузлардан йўниб қутлуғ ёшини
Санаб етолмаган қадим кўчалар...

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Қуёш юмалаб ўтди —
Томлар ортига аста,
Гўё ўт олиб кетди
Кўча-кўй бир нафасда...

Уфқ тагин қизартган
Шафақми ёки ёнгин?
Кўмакка қўл узатган
Ҳаётнинг ўзи хоргин...

Одамлар шошар худди
Сув қирғоқдан тошгандай,
Ҳаракатнинг ҳудуди
Ўз ҳақдидан ошгандай...

Тун кўзини очганда
Қора эди кўмирдан,
Кўз ёшини сочганда
Бир кун ўтди умрдан...

Қалбим интиқ, уринди,
Ўхшолмадм кечаси,
Юлдуз бўлиб кўринди
Эртанги кун режаси.

Акс сава

«ПУЛГА ҚАДАЛГАН НИГОҲЛАР»

бо пул кўр қилгурей», — дейди. Шундай экан, сочилаётган пуллари болалар териб олмай, катталар теришинми? Демак, пул сочмаси, аёб аввало ўзимизда, биз катталарда.

Халқимизда бешик тўйи, черлар, ўғил тўйи, юбилей тўйи сингари тантаналар ҳам бор. Ниҳоят тўйи-чи? Ниҳоят кун қиз томонга кетаётган қуёвнавкарда, қуёвнинг ўртоқлари 20 та бўлса, қолган 30 таси мактаб ёшдаги ўғил болалар. Уларнинг оғзидан чиқаётган ҳаёсиз сўзларга, бақир-чақирларга, қийқирларга



Камолдиндан кўз қувнайди онажон шахрим!



Тошкент давлат самолётсозлик институтини мустаҳкам илмий-ишлаб чиқариш негизи барпо этилмоқда. Ўқув юрти хузурида илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларининг бирин-кетин очилиши ҳам муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

«Авиация деталларини ишлаб чиқиш технологияси» кафедраси ҳам шундай лабораторияларга эга бўлди.

— Бу лабораторияда мустаҳкам илмий-техник негизи яратилди, — дейди институт ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, профессор Зоир Шамсиев. — Шу ўринда «4ПУ» русумли дастохларни кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Бундан ташқари роботли технология мажмуа тадқиқотларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишда асосий техник

Фан — ишлаб чиқаришга

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

восита вазифасини ўтамоқда. Лаборатория замонавий компьютерлар, юқори сифатли лазер техникалари билан жиҳозланди. «Пана-

соник» киноаппарати ва телевизорлар тадқиқотчи олимлар хизматига.

Илмий-ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб бориши муносабати билан биз яна қатор янги лабораторияларни очинишга қарор қилдик. Авиация хавфсизлиги техникаси муаммолари билан шуғулланадиган ишлаб чиқариш лабораторияси

Ақбар АЛИЕВ.

Мақолани ўқиб чиқиб, жуда таъсирландим. Муаллиф киши қузига қуринмайди, аммо жуда ҳам мулоҳазага бой мавзуни танлаб ўринли иш қилган. Мақолада ёш болаларнинг тўй бошлинишидан то тамом бўлгунча ўртадан чиқмай, оёқ остида уямалашиб, баъзи бир танти бойваччалар рақс тўшаётганлар устидан сочлатган пуллари урилиб-сурилиб териб олишлари тўғри тасвирлаб берилган.

Ўша бойваччалар ерга сочлатган пуллари тўра рақс жойларидаги ночор оилаларга ёрдам тариқасида эҳсон қилсалар бўлмайди? Наҳотки, пулнинг қадри шунчалик ерга урилиб, оёқ ости бўлаётгани ҳеч кимни ташвишлантирмас? Ахир пул

сочиб билан ҳеч ким, ҳеч қачон обрў топпаган-ку! Тўйга келганларнинг базилари «Палончини қара, пачка-пачка, тўп-тўп пул сочаяпти-я», — деса, бошқалари ичларида «Об-

таётган қуёвнавкарда, қуёвнинг ўртоқлари 20 та бўлса, қолган 30 таси мактаб ёшдаги ўғил болалар. Уларнинг оғзидан чиқаётган ҳаёсиз сўзларга, бақир-чақирларга, қийқирларга

дий шуғулланишлари лозим. Шундагина тўйларимиз тартибли, кўнгил хотиржамлиги билан ўтади.

Тўйларни тасвирга тушириш бир неча йилдан буён одат тусига кириб

ни минг кўйга солиб, рақс тўшаётганлар ўрта-сига туриб оладилар. На-тижада ўртада рақс тўшаётганлар қистирилган пуллари видеоочининг чўнтагига солиб кетадилар. Ким билади, ўртада турган видеоочини пул чагаллаб рақс тўшаётганларни тасвирга оляптими, ё бўлмаса...

Бир суз билан айтганда томчилардан дарё ҳосил бўлганидек, тўйларда ёш болаларнинг иштирок этиши ноўрин. Ёш ачинарлиси, боласи тупроққа беланиб, туртинбоқ-суртинбоқ териб келган пулга она маҳлиё бўлиб, қувонса-ю, болага тарбия бермаса, бундан ҳам ортиқ дард бўлмаса керак.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

Танловлар

**«ҚАРИЛИКНИ
ТАН
ОЛМАЙМИЗ»**

хушманзара гўшаларга саёҳатларга боришмоқда. Айниқса, уларнинг маҳалла ёшлари билан олиб бораётган тарбиявий ишлари эътиборга сазовордир. Ҳар бир армия ёшига яқинлашган йигитчага нуронийлардан сарқор тайинланган. Улар йигитларимизни соғ-

тиббий ва моддий ёрдам олиб туришибди, биргалашиб музей ва театрларга,

дан кечираётиб, қумуш танга каттали-гича келадиган ярага қўзлари тушди. Брэндонни дарҳол шифохонага олиб кетишди. У ерда актёр бир неча соат да-вомиде ўлим билан олишди. Нохўш хабарни эшитиб, севгилиси ҳам тезда етиб келди. Брэндон гўё шунини кутиб ётарди. У келиши билан Брэндон олам-дан ўтди...

Расмий, тиббий хулосаларга кўра, Брэндоннинг ўлимига ички бетўхтов қон отилиб чиқиши сабаб бўлган. Кейинчалик бу хусусда турли-туман миш-мишлар пайдо бўлди. Гўё Брэндон Лининг ўлими — хитой мафияси — учликнинг ўч олиши натижасидан бошқа нарса эмас, дегувчилар ҳам бўлди. Дарҳақиқат, ўз даврида унинг отаси — машҳур Брюс Ли ҳам худди шундай — суратга олиш вақтида ҳалок бўлган. Ўз даврининг суперюлдузи, жанговар санъат устаси, қўллаб мамлакатларда миллионлаб мух-лислари бўлган Брюс Лининг ўлими ўшанда кўпчиликини эсанқиратиб қўйган эди. Суратга олиш майдончасида актёр одатдаги аспирин халдорисини ичган-дан сўнг, унинг миёсида лаҳза ўтмаёқ шиш ҳосил бўлди. Кейинчалик маълум бўлишича, у ичган хапдори заҳарланган экан.

Брюс Лининг ўлимидан сўнг унинг турмуш ўртоғи Линда 8 ёшли ўғли ва 3 яшар қизчаси Шэннон билан қолди. Брэндон онасининг сўзларини доимо ёдига сақларди: «Отанг ҳаёт бўлганида, сен билан фахрланарди».

Орадан йигирма йил ўтди, яна ўша воқеа такрорланди. Нақадар фожеона ўхшаш тақдирлар. Ўғилнинг ўлими ҳам бутун кинематография оламида шов-шувга сабаб бўлди.

Суриштирув-тергов ишлари фавқу-лодда пухталиқ билан олиб борилди. Маълум бўлишича, тўппончани ишлаш-га тайёрлаш вақтида эҳтиёт чоралари қўрилмаган — пахтавоң уқлар орасига ҳақиқийси ҳам «суқилиб олган» экан. Гарчи суд ҳукмиомасида бу «бориб тур-ган тасодиф» сифатида қайд этилган бўлса-да, кўпчиликини ўйлантирган са-волларнинг адоғи йўқ эди: «Нега Брэн-донга ўқ ўтмайди диган нимча (кийим) бе-рилмаган? Сценарий бўйича актёрга 20 фут ва ундан ҳам масофадан туриб ўқ узиладиган бўлса, у бундай кийимни ал-батта олиши керак эди. Нега энди ўқ Ли-га тегади, ахир «ёвуз»-га актёрни мул-жалга олмай, ён тарафга ўқ узиш мас-лаҳат берилган-ку?...

Нега энди суратга олиш майдонча-сида Брэндон учун хавф-хатар ундаги портловчи мослама сабабли икки ба-равар ошган бўлса-да, суратга олиш пайтида қурол бўйича мутахассис ҳо-зир бўлмаган? Нега, нега?... Эҳтимол, режалаштирилган тасодифлар занжири эмасмикин бу?...

Брэндон Ли биринчи марта 1985 йил-да кун-фу ҳақидаги телефильмда сурат-тушган эди.

Брэндон ҳалок бўлгандан сўнг про-дюсерлар Роузен ва Прессман фильми-ни нима бўлгандаям яқунлаб қўйишга қарор қилишди.

Брэндон Лини отаси билан ёнма-ён, Сизтдаги қабристонга дафн этидилар. У ҳаётга отаси очиб берган эшикдан қандай кириб келган бўлса, ундан яна шундай чиқиб кетди.

Хориж матбуоти асосида
Мирзаали АҚБАРОВ тайёрлади.

Турфа олам

ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

Фильмни режиссёр Алекс Пройас суратга оларди. Сценарий асоси Жеймс О'Барнинг шу номдаги комик асаридан иборат эди. Асар қаҳрамони фоний дунёдан ўзининг ва маъбубасининг ўлими учун қасос олгани келади. Сюжет муаллифининг севгилиси автохалкатга учраб, ўлгандан сўнг ўн йил ўтгач, ту-ғилади. Асар яна саккиз йил ёзувчининг стол тортмасида қолиб кетади. Ниҳоят, ношир топилган, чоп этилади ва дўкон-ларда талаш бўлиб кетади.

«Кузгун»ни суратга олиш яқунлашни биланок, Мехикода 17 апрелда Брэндон-нинг киномуҳаррир Элиза Хаттон билан тўйлари бўлиб ўтиши керак эди. Актёр ёруг ва бахтиёр кунлар умиди билан яшарди. Ўша машъум кун Брэндон ёвуз Фанбоу қўлида ҳалок бўлиши тасви-ланган яна бир лавҳани суратга олиш керак эди. Машъумотни туғатгач, Ли ош-дусига кетди. Йигирма тўрт соатдан сўнг эса унинг юраги уришдан тўхтади.

... Камералар Брэндон Лига қаратил-ганди. Фанбоу ролини ижро этаётган ак-тёр Майкл Масси унга беш метр масо-фадан туриб, 44-калибрли тўппончадан ўқ узиши керак эди. Ли ўзи билан ўқ овозини «такрорлаш» учун унча катта бўлмаган портловчи мослама оловган-ди. Умуман бу лавҳанин ҳам олдинги-ларидан алоҳида ажралиб турадиган тех-ник мураккабликлари йўқ эди. Бу соҳа-да кўп йиллик тажрибага эга бўлган му-тахассис Жонс, режиссёр ёрдамчиси ва киноғуруҳнинг бошқа аъзолари суратга олиш майдончасида кузатиб, маслаҳат-лар бериб туришарди. Юзга яқин томо-шабинлар ҳам суратга олиш бошлан-шини сабрсизлик билан кўтишарди. Ни-ҳоят, мотор!...

Масси ўқ узди, портловчи мослама ишлаб кетди. Ли йиқилди, лавҳа сурат-га олиб бўлинди. Брэндон ўриндан ту-радиган вақт бўлса-да, у ҳамон ётарди. Майдончада ҳаяжонлиши, гала-говур бошланди. Бирор қор-хол ўйи берган-лиги йиғилганларнинг юз-қўзларидан би-линиб турарди. Кимдир телефонга югу-рди, «тез ёрдам»ни чақирди. Зудлик бил-ан етиб келган дўхтирлар актёрни қўз-

❖ 5,585 нускада боснали. 1 2 3 4 5 6.